

Дилавар Сайид АҚШ ҳукуматидаги энг юқори мартабали мусулмон амалдорига айланади



Дилавар Сайид АҚШ ҳукуматидаги энг юқори мартабали мусулмон амалдорига айланади

20:23 / 13.06.2023 984

Сенат Дилавар Сайиднинг Кичик бизнес маъмурияти ўринбосари лавозимига номзодини тасдиқлади. Бу ҳақда apnews.com сайти хабар берди. У АҚШ ҳукуматидаги энг юқори мартабали мусулмон амалдорига айланади.

Президент Жо Байден Покистонда туғилган тадбиркорни илк бора 2021 йил март ойида лавозимга номзод этиб кўрсатган ва у бу йил ҳам янги Конгрессда уни қайта номзод қилиб кўрсатди.

whitehouse.gov сайтнинг маълумотига кўра, Президент Жо Байден Дилавар Сайидни Кичик бизнес маъмурияти (SBA) маъмурияти ўринбосари лавозимига номзод қилиб кўрсатиш ниятида эканлиги хабари эълон қилинган.

Дилавар Сайид - соғлиқни сақлаш харажатларини камайтириш ва беморларнинг натижаларини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлаш учун сунъий интеллект бўйича Лумиата компаниясининг президенти ва бош раҳбари. Аввал Сайид Freshworks компаниясининг президенти бўлиб, у дастурий таъминот компанияси маҳсулотларини минглаб кичик ва ўрта бизнесга кенгайтиришга ёрдам берган. Сайид федерал, штат ва маҳаллий даражада иқтисодий ўсиш ва тадбиркорликка қаратилган фуқаролик саъй-ҳаракатларини амалга оширди. У АҚШ собиқ президенти Обаманинг Оқ

уйнинг Осиё америкаликлар ва Тинч океани ороллари бўйича комиссиясида (ААРІ) ишлаган ва «ААРІ»нинг Иқтисодий ўсиш қўмитасида Оқ уй ташаббусига раислик қилган. Бу ролда Сайид 2009 йилда Америка тикланиш ва қайта инвестициялар тўғрисидаги қонун қабул қилингандан сўнг маъмуриятнинг АҚШ бўйлаб кичик бизнес билан алоқаларини бошқарган.

Сайид Пенсильвания университетининг Уортон бизнес мактабида MBA даражасига эга ва Остиндаги Техас университетиде иқтисод ва компьютер фанлари бўйича бакалавр даражасини олди. Сайид Огаё штатидаги Вустер коллежида (Worcester College) ўқиш учун биринчи курс талабаси сифатида Покистондан Қўшма Штатларга кўчиб келган. Шунингдек, у Президентнинг Экспорт Кенгаши каби федерал ташаббуслар бўйича Кичик бизнес маъмурияти ва Савдо департаменти билан алоқа ўрнатган.